

2019

DIALECTIC FREEDOM OF CONSCIENCE AND SECULARIZATION

Davron Kamilov

Tashkent Institute of Railway Engineers, kamilovdavron@bk.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

Recommended Citation

Kamilov, Davron (2019) "DIALECTIC FREEDOM OF CONSCIENCE AND SECULARIZATION," *The Light of Islam*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 1.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss2/1>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Davron KAMILOV,
Senior Lecturer of Tashkent Institute of
Railway Engineers (Uzbekistan, Tashkent).
E-mail: kamilovdavron@bk.ru

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА СЕКУЛЯРЛАШУВ ДИАЛЕКТИКАСИ

ДИАЛЕКТИКА СВОБОДА СОВЕСТИ И СЕКУЛЯРИЗАЦИИ

DIALECTIC FREEDOM OF CONSCIENCE AND SECULARIZATION

Калит сўзлар: виждон эркинлиги, эътиқод эркинлиги, ҳукмрон динлар, дунёвий давлат, секуляризация жараёни, диндан озод бўлиш, диний маросимлар эркинлиги, Билль ҳуқуқи, гиюр, антидемократия.

Ключевые слова: свобода совести, свобода вероисповедания, господствующие религии, светское государство, процесс секуляризации, свобода от религии, свобода религиозных обрядов, билль о правах, гиюр, антидемократия.

Key words: freedom of conscience, freedom of religion, mainstream religions, secular state, the process of secularization, freedom from religion, freedom of religious ceremonies, bill of rights, giyur, anti-democracy.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг мазмун-моҳияти ва ижтимоий аҳамияти доимо илмий жамоатчиликнинг диққат марказидаги масалалардан ҳисобланган. Эркинликнинг башарият тафаккур тараққиётининг тарихи мобайнида фалсафий-ахлоқий категория сифатида тадқиқ этилиши ҳозирда унинг назарий ва амалий аҳамиятини теран англаш имконини беради.

Эркинлик – фалсафа фанидаги энг мураккаб тушунчалардан бири саналади. Хусусан, эркинлик бу – субъектнинг таъқиб ва чекловлардан холи равишда табиат ва жамият қонуниятларига онгли асосланган ҳолда ўз ихтиёрини намоён қилиш имконияти [1;1395 б.]. Шунингдек, эркинлик деганда сиёсий ва иқтисодий чекловларсиз ўз манфаатларига мувофиқ равишда фаолият олиб бориш лаёқати назарда тутилади.

Виждон эркинлиги эса, инсоннинг ақлий ва ҳиссий жиҳатдан ихтиёр эгаси эканлигини билдирувчи эркинликнинг муҳим шаклларида биридир. Фалсафа қомусий дугатида мазкур атамага қуйидагича таъриф берилган: «Виждон эркинлиги демо-

кратиянинг ажралмас таркибий қисмидир. У фуқароларнинг динга муносабатларидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлигини; барча диний конфессияларнинг қонун олдида тенглигини; динга эътиқод қилиш ёки қилмасликка нисбатан ҳеч қандай мажбурият йўқлигини; диний конфессияларнинг фақатгина мажбурий йиғимлар тўплаши тақиқланганлигини; диний идора ишларига давлатнинг аралашмаслигини, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланиш мумкин эмаслигини ўз ичига олади» [2;274 б.].

«Виждон» атама сифатида кўп маънони ифода қилади. У турли соҳа ва ижтимоий қатламга мансуб инсонлар томонидан турлича қўлланилади. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «виждон» сўзига қуйидагича таъриф берилган:

«Виждон» (араб. эҳтирос, ҳис-туйғу, инсоф, диёнат) – кишининг ўз хатти-ҳаракати, қилмиши, юриш-туриши учун одамлар, жамоатчилик олдидаги масъулият ҳисси, инсонийликнинг асосий белгиларидан бири; диёнат, инсоф» [3;459 б.].

Умумий маънода «виждон» тушунчаси этикага тааллуқли категория бўлиб, шахннинг ахлоқий назорат лаёқати ҳамда ўзининг ҳуқуқий мажбуриятларини шакллантириш билан бирга мазкур талабларни бажариш, назорат қилишни ифода қилади. Мазкур тушунчани О.Иванюк қуйидагича таърифлайди: «Виждон тушунчаси ички ишонч сифатида эзгулик ва ёвузликни ажратиб берувчи, инсоннинг ўзи ҳамда уни ўраб турган жамият олдидаги ҳар қандай ҳуқ-атвор, хатти-ҳаракатларни белгиловчи ахлоқий масъулият ҳисобланади» [4;47 б.]. Шу нуқтаи назардан виждон эркинлигининг субъектив ва объектив жиҳатлари мавжуд.

Шахннинг виждон эркинлиги шаклланиши бевосита ташқи объектив шароитлар ҳамда шахсий субъектив сифатлар билан алоқадор. Инсон фақатгина бир томонлама мавжудликни енгиб ўтиб, улар ўртасида уйғунликка эришсагина том маънода эркин бўлади. Виждон эркинлигини таъминлаш учун зарур объектив омиллар, даставвал инсоннинг ижтимоий-иқтисодий озодлиги, унинг эксплуатациясига барҳам бериш ва ҳар томонлама шахсий ривожланиш шароитини яратиш лозим. Шунингдек, инсонларнинг виждон эркинлигини таъминлашда уларнинг меҳнат, дам олиш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, яшаш, таълим, маданий ютуқлардан фойдаланиш, ижод, давлат ва жамият бошқарувида иштирок этиш, танқид, нашр, йиғилиш, митинг, намоийишлар ўтказиш, ижтимоий бирлашмалар тузиш каби ҳуқуқлари муҳим ўринга эга.

Мақолада «виждон эркинлиги» атамасининг таърифлари, мазкур феноменнинг тарихий тараққиёти ва айни мавзу юзасидан турли даврларда файласуфлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар таҳлилий асосда ёритилган. Шунингдек, мазкур масаланинг бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар асосида мустаҳкамланиши ҳамда унинг ижтимоий ҳаётда амалий жиҳатдан акс этиши қиёсий ўрганилган. Бундан ташқари виждон эркинлигининг фалсафий категория сифатида ижтимоий тараққиётдаги аҳамияти алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Виждон эркинлиги муаммоларини ҳал этиш моделлари дунёвий шаклда бошқариладиган ва муайян дин юридик жиҳатдан давлат дини сифатида белгиланган мамлакатлардан фарқланади. Ҳар бир жамият виждон эркинлиги ва диний эркинликни ўз ўтмишига чамбарчас боғлиқ ҳолда идрок этади. Виждон эркинлиги давлат конституцияси ва махсус ҳуқуқий ҳужжатлар асосида расмий эътироф этилади. Бироқ унинг амалда тўлиқ таъминланиши давлатнинг самарали кафолати асосидаги жамиятнинг ҳуқуқий онги ва маданиятига узвий боғлиқ.

Мазкур мақолада юқорида келтириб ўтилган таҳлиллар асосида виждон эркинлигининг секуляризация жараёни билан ўзаро таъсири ва алоқадорлик жиҳатлари илмий-назарий таҳлил қилиниб, хулосалар баён этилган.

В статье изложены понятия «свобода совести», историческое развитие, явления и взгляды, высказанные философами в разное время. А также был сравнительно изучен ряд правовых документов и их практическое применение в общественной жизни. Кроме того, подчеркивается важность свободы совести как философской категории в общественном развитии.

Модели решения вопросов свободы совести, применяемые в светских обществах отличаются от моделей, где определенная религия является государственной. Каждое общество воспринимает свободу совести и религиозную свободу в тесной связи с его прошлым. Свобода совести официально признается на основании государственной конституции и специальных правовых документов. Однако её полноценное функционирование неразрывно связано с правосознанием и культурой общества, основанной на эффективных государственных гарантиях.

В этой статье на основе вышеупомянутого анализа описаны теоретический анализ и выводы о свободе совести и ее взаимодействие с процессом секуляризации.

This article sets forth the concepts of «freedom of conscience,» the historical development of a phenomenon, and the views expressed by philosophers at different times. It was also comparatively studied with a number of legal documents and its practical application in public life. In addition, the importance of freedom of conscience as a philosophical category in social development is emphasized.

Models addressing the issues of freedom of conscience used in secular societies are different from models where a certain religion is recognized as a state religion. Every society perceives freedom of conscience and religious freedom in close connection with its past. Freedom of conscience is officially recognized on the basis of the state constitution and special legal documents. However, its full-fledged functioning is inextricably linked with legal awareness and a culture of society based on effective state guarantees. This article is based on the above analysis, describing the theoretical analysis and conclusions about freedom of conscience and their interaction with the process of secularization.

О.Айтбаев виждон эркинлигига қуйидагича таъриф беради: «Виждон эркинлиги – фалсафий-ахлоқий, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатларга эга бўлган мураккаб, кўп қиррали тушунчадир» [5;28 б.].

Виждон эркинлигининг субъектив омили – бу инсоннинг ахлоқий лаёқати сабабли онгли равишда фаолият юритишидир. Шу жиҳатдан, унинг субъектив жиҳати инсоннинг шахсий хусусиятларига боғлиқ. Мазкур сабаб туфайли, турли инсонлар айнан бир хил шароитда мутлақо қарама-қарши иш тутишлари мумкин. Баъзи кишилар виждон эркинлиги воситасида мураккаб ҳаётий вазиятларга ечим топса, бошқалар эса, унга безътибор муносабатда бўладилар. Объектив шароит доимий равишда субъектив омилни такомиллашиб боришни талаб этади. Натижада субъектив омиллар виждон

эркинлигини таъминлашга қаратилган ҳаракатларнинг натижасини белгилайди.

Фалсафий-ахлоқий категория сифатида виждон эркинлиги тушунчаси илмий билишда ўзининг ўрнига эга. У ижтимоий тараққиётнинг табиий ҳосиласи бўлиб, файласуфлар илк бор инсониятни ахлоқий жиҳатдан ҳурриятга олиб чиқиш, ҳақиқий маънодаги виждон эркинлигини таъминлаш вазифаси ҳақида сўз юритдилар ва у ҳақидаги ғояни ривожлантирдилар.

Виждон эркинлиги янги давр ва модерн жамиятда ижтимоий-сиёсий ғоялар натижасида такомиллашган феноменга айланди. С.Астапов бу ҳақда қуйидаги мулоҳазаларни билдирган: «Виждон эркинлигининг асосий ўзаги табиий динлар назарияси ва табиий ҳуқуқ, шунингдек, жамиятдаги функционал дифференциация, диннинг анъана си-

фатида универсализмни емириши, динни худо билан бўлган алоҳида муносабат соҳасига айлантириб, сўнгра индивиднинг шахсий муносабати сифатида эълон қилинишида акс этади» [6;137 б.].

Шубҳасиз, мазкур категориянинг мазмуни бошқа кўплаб ижтимоий фан категориялари каби тарихий хусусиятидан келиб чиқиб ўзгариб туради. Бироқ бу қараш мазкур тушунчани мазмунан мутлақо қайта белгилаб бўлмайди, дегани эмас. Бу ўринда категорияларни таърифлашда замон ва макон хусусиятларини инобатга олиш зарур.

Қадимги Юнонистонда инсон ўз хатти-ҳаракати туфайли ўзи ва бошқалар олдига масъул эканлигини англагучи «виждон» тушунчаси борасида илк бор фикр юритила бошланган. Демокрит инсон ўзини доимо айбламаслиги учун адолатга бўлган эҳтиёж ҳақида ёзган [7;2 б.]. Аристотел эса, виждон эркинлигини «яхши инсоннинг тўғри қарори» [8;1 б.], деб баҳолаб, эзгуликни адолат мезонлари асосида тарбиялаш, кенгроқ маънода инсонпарвар, бошқалар эътиқодига тоқатли муносабатда бўлиш керак, деб ҳисоблаган. Шунинг билан бирга, ижтимоий тизимни беқарорлаштириши мумкин бўлган янги қарашлар таъсиридан давлатни ҳимоя қилувчи қарама-қарши тенденция ҳам мавжуд эди. Шу туфайли янги таълимот яратган шахслар таъқиб ва қувғинга учрарди. Д.Белявский виждон эркинлигининг қадимги тарихи ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради: «Машхур антик файласуфлар Протагор, Диоген, Анаксимен, Анаксагор, Сукрот, Платон ва бошқалар инсон ва эътиқодга дахлдор янги ғоялар туфайли таъқиб остига олинди. Зеро, ўша даврда қонунлар, давлат динни ва фуқаролар бирлигини таъминлаши зарур, деб ҳисобланарди» [9;1 б.]. Айнан шу каби қарама-қарши тенденциялар Қадимги Рим тарихида ҳам кузатилган. Бир томондан Цицерон «Худолар табиати ҳақида» [10;106 б.] рисоласида турли фалсафий маслак вакиллари билан худо ҳақидаги баҳсли масалаларни эркин тарзда баён қилса, бошқа томондан, император Тиберий (мил. 14 – 37) мисрлик ва яҳудийларнинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилишни тақиқлаб қўйди, император Клавдий (мил. 41 – 53) Римдан яҳудийларни қувиб чиқарди [11;3 б.].

Виждон эркинлиги масаласининг назарий асосларига Европада Уйғониш давридан бошлаб жиддий эътибор қаратила бошланди. Бу даврда рўй берган ислохотлар католик черкови фаолиятига кескин қарши бўлди. Мазкур масалада биринчилардан

бўлиб 1554 йилда Себастьян Кастеллио ўзининг «De haereticis, an sint persequendi» (Бидъатчилар таъқиб қилинадими?) асарини нашр этди [12;5 б.].

Виждон эркинлиги муаммоси турли фалсафий тадқиқотлар марказидан жой олди. Виждон эркинлиги муаммосини фалсафий-ҳуқуқий жиҳатдан англаш ва шарҳлаш юзасидан янги турдаги услубий ёндашувлар Ж. Локк, Ш. Монтескье, Ж.Ж. Руссо, Б. Констан, Ж. Миллем, А. Токвил, Вольтер, К. А. Гельвеций, П. Гольбах, Д. Дидролар томонидан амалга оширилди.

А. Фейербах, кейинроқ К. Маркс томонидан «диндан озод бўлиш» ғояси илгари сурилгач, виждон эркинлигининг чегараси янада кенгайди. Шундай қилиб, инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири у ёки бу динни танлаш ёки танламаслик ҳуқуқи тушунчаси шаклланди.

Европада юзага келган маърифатпарварлик, виждон эркинлиги ғоялари инсон онгини диний ақидалар қарамлигидан озод қилишда намоён бўлаган секуляризация жараёнларининг чуқур мазмунга эга эканлиги кўрсатиб берди. Мазкур даврдан бошлаб илк бор ҳукмрон динлар таъсирини йўқотиш фикри илгари сурилиб, инсон дин ва черков ҳомийлигига муҳтож эмаслиги ҳамда жамиятнинг мустақил эканлиги таъкидланди. Мазкур жараён Европада бошланиб, дунёнинг кўплаб мамлакатларида давом этмоқда. «Дунёвий давлат» ва «таълим» тушунчаси ижтимоий ҳаётда инсонлар ўртасидаги муносабат диний шартлар асосида тартибга солинишининг қисман барҳам топганини билдиради.

Қайд этиш жоизки, ижтимоий онг доирасида диний таълимотларнинг аҳамияти қисқариб, турли ҳаётий муаммоларни ҳал қилишда инсон учун ягона «йўл кўрсаткич» сифатидаги функцияси сусайди. Аксарият ҳолларда дин аҳамиятини бутунлай бой бермаган бўлса ҳам замонавий дунёқараш тизими доирасидаги кўмакчи восита сифатида қайта шаклланди. Дунёвий тамойил, секулярилик, виждон эркинлиги инсон дунёқарашда мужассамланиб, унинг ўзини эркин мустақил субъект сифатида англашида муҳим аҳамият касб этади. Инсон дунёни ўз мақсади ва имкониятларига мувофиқ тарзда идрок қилар экан, у ҳеч қандай эътиқодни мажбуран қабул қилишга мажбур эмаслиги жамият ҳаётининг ажралмас меъёрига айланди.

1689 йил Англия қироллигида қабул қилинган «Билль ҳуқуқи» актида шахсий эркинликлар қаторида виждон эркинлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилди [13;2 б.].

Францияда 1789 йил инсон ва фуқаро ҳуқуқлари тўғрисида декларация қабул қилинди. Унда қайд этилишича, «Жамоат тартибига таҳдид солмаган ҳолда ҳеч бир шахс эътиқоди, ҳатто диний эътиқоди туфайли ҳам таъқиб остига олинishi мумкин эмас». 1791 йил Конституцияга «диний маросимлар эркинлиги» масаласи киритилди. 1804 йилда қабул қилинган француз фуқаролик кодексига динга оид масалалар мутлақо кўрсатилмаган эди [14;7 б.]. Чунки бу даврга келиб давлат фундаментал асосда дунёвий йўлни танлади.

Замонавий виждон эркинлигига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси таркибидаги масала сифатида эътибор қаратилиб, қуйидагича белгиланди: «Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-русум ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига яқка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади» [15;3 б.].

Шу тариқа виждон эркинлиги ҳеч қайси ижтимоий институтлар таъқиб қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган асосий маънавий эркинликка айланди. Ўз навбатида, замонавий маданият инсонни эътиқоди ва динга муносабатидан қатъи назар энг олий қадрият сифатида эътироф этди. Инсонпарвар ёндашув инсонни ўз-ўзини баҳолаш, мустақил тарзда қарор қабул қилиш ва ахлоқий жиҳатдан шахсиятини назорат қилиш имкониятини юзага келтирди.

Собиқ Совет Иттифоқи даврида мазкур масала бир томонлама баҳоланди. Унга кўра «виждон эркинлиги» тушунчаси буржуа ва пролетарлар томонидан мутлақо бир-бирига қарама-қарши қўйилди. К.Маркснинг қуйидаги фикри дастак қилиб олинди: «Буржуачиликка хос бўлган «виждон эркинлиги» фақатгина барча турдаги динларга нисбатан тоқатлиликни акс эттиради, ишчи партия эса, аксинча диний оғудан виждонни поклашга ҳаракат қилади» [16;73 б.].

1977 йилдаги СССР Конституциясининг 52-моддаси, 1978 йилдаги Ўзбекистон ССР Конституциясининг 50-моддасида гражданларнинг «виждон эркинлиги, яъни ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки бирорта динга ҳам эътиқод қилмаслик, диний маросимларни бажариш ёки атеистик про-

паганда олиб бориш ҳуқуқи кафолатланади. Диний эътиқодлар туфайли адоват ва нафрат қўзғатиш таъқиқланади», – дейилган эди. Амалда эса, мазкур эркинликнинг таъминланишига антидемократик сиёсий тузум йўл қўймади [17;7 б.].

Том маънодаги виждон эркинлиги – бу ривожланишнинг шундай даражасики, унда нафақат инсоннинг салбий фаолиятлари чекланади, балки у илғор ижтимоий ўзгаришларда фаол иштирок этишга сафарбар этилади. У нафақат инсон тафаккури тараққиёти, балки ҳиссий ривожланиши ҳам англади. Мазкур муҳим жиҳатлар мустақил Ўзбекистон Конституциясида тўлиқ инобатга олинган ва бунга кўра: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» [18;12 б.].

Виждон эркинлиги абстракт тушунча, бироқ у умуминсоний характердаги конкрет категориядир. Айрим олимлар уни қуйидаги турларга ажратиб кўрсатадилар:

«1. Виждон эркинлигининг сохта даражаси – бу муайян тоифа ёки жамиятнинг ахлоқий чегаралари доирасида амал қилинадиган ва ижтимоий тараққиёт меъёрларига мувофиқ бўлмаган ҳолат.

2. Нисбий даражадаги виждон эркинлиги – бу муайян тоифа ёки жамиятнинг ахлоқий чегаралари доирасида амал қилинадиган ва ижтимоий тараққиёт меъёрларига нисбатан мувофиқ бўлган ҳолат.

3. Ҳақиқий даражадаги виждон эркинлиги – бу шахс, партия, тоифа, миллат ва бутун инсониятнинг ахлоқий чегаралари доирасида амал қилинадиган, ижтимоий тараққиёт меъёрларига тўла мувофиқ бўлган ҳолат назарда тутилади» [19;29 б.]. Фикримизча, айнан мана шу даража том маънодаги виждон эркинлигини ифодалайди. Секуляришув виждон эркинлиги, эътиқод эркинлиги билан ўзаро уйғун ҳолда кечади. Секуляр парадигмалар асосидаги виждон эркинлиги эътиқод эркинлигидан ташқари яна қуйидаги тамойилларни ўз ичига олади:

– диний ёки динга алоқадор бўлмаган ва дахрийлар бирлашмаси ва уюшмалари ташкил этиш эркинлиги;

– дунёвий характердаги давлат: давлат ҳокимиятининг мафкуравий бетарафлиги, диний ташкилотнинг давлат ва таълимдан ажратилиши, барча конфессияларнинг қонун олдида тенглиги;

– диний тоқатлиликнинг кўп конфессияли жамиятларнинг бош тамойили сифати намоён бўлиши.

Сўнги ўн йилликда секуляризация ва виждон эркинлиги тушунчалари илмий адабиётларда кўп зикр этилмоқда. Ҳар икки тезис бир-бирини тўлдирувчи ва муайян асосларга эга бўлишига қарамасдан, у билан боғлиқ баъзи жараёнларга аниқлик киритиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб секуляризация кўплаб мамлакатларда устувор назария мавқеини эгаллади. Баъзи мутахассислар бу феномени диннинг таъсир доираси муттасил қисқариб бориши ва истиқболда унинг таназзули ва йўқолиб кетишига олиб келувчи ортга қайтмайдиган жараён, деб тавсифлашган эди. Секуляризация назариясининг муқобил йўналишидаги баъзи олимлар эса мазкур жараёнда дин шаклан ўзгаришини маълум қилдилар. Бироқ ҳозирда дин яшовчанлик хусусиятини йўқотмасдан, янгиланган тарзда ўз таъсирини кучайтириб бораётгани юқорида зикр этилган фаразлар ўзини оқламаганидан дарак беради.

Айтиш мумкинки, секуляризация маданият ва жамиятни янги йўналишда қайта шакллантирган асосий кучлардан бири сифатида намоён бўлиб, замонавий инсонга хос бўлган дунёвийлик тамойилларини қўллаб-қувватлади. Секуляришув жараёни диннинг бутунлай йўқолиши эмас, аксинча, унинг тузилиши ва ролининг ўзгаришидир. Диний ва секуляризация жараёнлари ўзаро диалектик боғлиқлик касб этади. Шунингдек, секуляризация тарихий жиҳатдан кўп томонлама жараёнларни бошдан кечириб, жамиятда дин, эътиқод ва диний ташкилотлар ўрнининг тубдан ўзгаришга учраганини англатади. Ушбу жиҳат ҳам секуляризация ва виждон эркинлиги ўртасидаги ўзаро таъсир ва тақозоланганликнинг белгисидир.

Виждон эркинлиги муаммоларини ҳал этиш моделлари дунёвий шаклда бошқариладиган ва муайян дин юридик жиҳатдан давлат дини сифатида белгиланган мамлакатлардан фарқланади [20;24 б.]. Ҳар бир жамият виждон эркинлиги ва диний эркинликни ўз ўтмишига чамбарчас боғлиқ ҳолда идрок этади. Виждон эркинлиги давлат конституцияси ва махсус ҳуқуқий ҳужжатлар асосида расмий эътироф этилади. Бироқ унинг амалда тўлиқ таъминланиши давлатнинг самарали кафолати асосидаги жамиятнинг ҳуқуқий онги ва маданиятига узвий боғлиқ. Бир қанча динлар доирасида эътиқод

ва виждон эркинлиги тамойилларини қўллаб-қувватловчи ҳужжатлар қабул қилинишига қарамай, мазкур қоида дунё миқёсида тўлиқ таъминланган, деб айтиш мушкул. Айрим мамлакатлар виждон эркинлиги тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ташкилот ва кенгашларга аъзо бўлсалар-да, уларнинг конституциялари давлатни диний ташкилотдан, таълимни диндан ажратадиган секуляр парадигмалар асосидаги виждон эркинлигини таъминламайди. Масалан, Исроилда яҳудийлик давлат дини бўлиб, мазкур мамлакатда дин давлат механизмининг бир қисми сифатида ўз аксини топган. 1952 йилда қабул қилинган «Фуқаролик тўғрисидаги Қонун»да Исроил фуқаролигини қабул қилувчи шахс учун яҳудийлик динига доир бир қанча билимга эга бўлиш шарт қилиб қўйилган. Яҳудийлик қоидаларига биноан фуқаролик насаб жиҳатидан она томони яҳудий миллатига мансуб кишиларга ёки «гиюр» деб номланган яҳудийлик динини қабул қилиш маросимини бажарган ва бошқа динга эътиқод қилмаган шахсларга берилади [21;5 б.].

Шунингдек, мисол тариқасида Эрон Ислом Республикасидаги виждон эркинлиги билан боғлиқ баъзи жиҳатларни эслаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Мазкур мамлакатнинг 1979 йили тасдиқланган конституциясининг 12-моддасида «Эронда 12 та имомларнинг мавжудлигини назарда тутувчи жаъфария мазҳаби расмий дин сифатида эътироф этилади ҳамда бу қоида ўзгармас бўлиб қолади. Бошқа исломий эътиқодларга, хусусан, ҳанафийлик, моликийлик, шофеъийлик ва зайдийликка тўлиқ ҳурмат кўрсатилади» [22;6 б.], деб қайд этилган. Мазкур конституцияда фақатгина диний озчилик саналган зардуштий, яҳудий ва христианлар зикр этилиб, уларга қонун доирасида ўз диний маросимларини бажаришга рухсат этилган. Бошқа турдаги ноисломий эътиқод эгаларига ислом ва Эрон Ислом Республикасига қарши чиқмаслик шarti билан эзгулик ва исломий адолат мезонлари асосида муносабат кўрсатилиши таъкидланган. Шунингдек, мазкур ҳужжатда муайян диний эътиқодга эга бўлмаган шахс ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида сўз юритилмаган.

Шундай бўлса-да, таҳлил виждон эркинлиги тамойилининг расмийлашуви ҳамда секуляризация жараёнининг чуқурлашуви ҳодисалари ўртасида ижтимоий-тарихий, макон ва замон, сабаб ва оқибат алоқадорликларининг мавжудлигини кўрсатади. Юзаки қараганда алоҳида мустақил ҳодисалар

сифатида юзага келиб, ривожланиш суръатларига эга бўлган бўлса-да, бу икки феноменнинг кейинги ривожланиши ўзаро боғлиқ тарзда кечмоқда.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, биринчидан, виждон эркинлиги концептуал нуқтаи назардан башариятнинг энг қадрли табиий эркинликларидан биридир. Зеро, у бир томондан муайян инсоннинг ҳуқуқи бўлиб хизмат қилса, бошқа томондан жамият хавфсизлиги, қадр-қиммати, турли дунёқараш эгалари ўртасида ўзаро ҳурматнинг таъминланишини кафолатлайди.

Иккинчидан, виждон эркинлиги янги даврда ижтимоий-сиёсий ғоялар натижасида юзага келган ижтимоий ҳодисадир. У ўзининг тарихий тараққиёти давомида ўз чегараларини кенгайтириб борди ва ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тасдиқланиб амалий аҳамият касб этди. Бироқ виждон эркинлигининг юридик жиҳатдан мустақамланиши уни жамиятда тўлиқ таъминланиши учун етарли эмас. Бинобарин, унинг кафолатли таъминланиши жамиятнинг ҳуқуқий онги, маданий даражаси ва қадриятларга муносабати билан бевосита боғлиқ.

Учинчидан, секуляризм инсон қадр-қимматининг тенглиги ва виждон эркинлигидан иборат икки муҳим тамойилга асосланган. Шунингдек, мазкур тамойилларни ҳаракатга келтирувчи икки механизм мавжуд бўлиб, биринчиси, давлатни диний ташкилотдан ажратиш, иккинчиси давлатнинг динларга нисбатан бетарафлиги таъминлашдир. Шу нуқтаи назардан секуляр характердаги давлат фуқароларининг виждон эркинлигини ҳимоя қилиб, инсон ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга асосланган жамият бирлигини таъминлашга кўмаклашади.

Тўртинчидан, секуляризация жараёни барча жамиятларга хос хусусият эмас. Шунингдек, динийликдан дунёвий жамият томон ўтишга қаратилган ягона йўналишдаги эволюцион ҳаракат ҳам мавжуд эмас. Шундай бўлса-да, фикримизча, дин тўлиқ оммавий маконни эгаллаши эҳтимоли мавжуд бўлса ҳам секуляризация замонавий жамиятдаги барқарор тенденциялардан бири сифатида қолаверади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Bol'shoy rossiyskiy entsiklopedicheskiy slovar. –M.: Bol'shaya rossiyskaya entsiklopediya, 2003.
2. Falsafa qomusiy lug'at. – T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2004.
3. O'zbek tilining izohli lug'ati. – T.: «O'zbekiston milliy entsiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2006.

4. Ivanyuk O.A. Svoboda sovesti i svoboda verois-povedaniya: sootnosheniya ponyatiya i granitsi zakonodatel'nogo regulirovaniya // Jurnal rossiyskogo prava. № 9. 2010.

5. Aytbaev O. Svoboda sovesti kak filosofskoe-kategoriya // Vestnik KarGU. № 3. 2013.

6. Astapov S.N. Svoboda sovesti v sekulyarnoy i postsekulyarnoy paradigme // Uchenie zapiski Orlovskogo gosudarstvennogo universiteta. №4, 2013.

7. Qarang: <https://grecemagazine.ru/demokrit>

8. Qarang: <http://history-doc.ru/aristotel-biografiya-i-osnovnye-proizvedeniya/>

9. Belyavskiy D.S. Stanovlenie i razvitie kontseptsii svobodi sovesti i yeyo realizatsiya. https://superinf.ru/view_helpstud.php?id=2537

10. Qarang: Mark Tulliy Sitseron. O prirode bogov. 1 tom. – M.: «Nauka», 1985.

11. Qarang: https://otherreferats.allbest.ru/law/00067911_0.html

12. Qarang: Sveyg S. Sovest' protiv nasiliya: Kastellio protiv Kal' vina. – M.: «Sov. Rossiya», 1985.

13. <https://stud-baza.ru/angliyskiy-bill-o-pravah-1689-g-akt-ob-ustroenii-1701-g--doklad--referaty-istoriya-gosudarstva-i-prava-zarubejnyih-stran>

14. <https://www.encyclopedia.com/history/moderneurope/frenchhistory/declaration-rights-man-and-citizen>

15. Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi // Inson huquqlari bo'yicha xalqaro shartnomalar: to'plam / Mas'ul muh. A.X.Saidov. – T.: «Adolat», 2004.

16. Mark K., Engel's. Sobranie sochineniy. 4 tom. – M.: Gosudarstvennoe izdatel'stvo politicheskoe literaturi. 1961.

17. Toshqulov J. O'zbekistonda vijdon erkinligini ta'minlashning xalqaro huquqiy asoslari // Toshkent islom universitetining ilmiy-tahliliy axboroti. №4, 2014.

18. O'zbekiston Respublikasining Konsitutsiyasi. – T.: O'zbekiston, 2017.

19. Aytbaev O. Svoboda sovesti kak filosofskoe-kategoriya // Vestnik KarGU. № 3. 2013.

20. Minchenko T. Problema svobodi sovesti v epoxu postsekulyarnosti: istoki i perespektivi. Avtoreferat dissertatsii po soiskanie uchenoy stepeni doktora filosofskix nauk. – Tomsk, 2011.

21. Qarang: <http://lawyersinisrael.ru/%D0%B7>

22. http://rc.majlis.ir/fa/content/iran_constitution

